

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 18 январь
сешанба
№ 02 (1310)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

АДЛИЯ: ШОНЛИ 30 ЙИЛ



“ЮТУҚЛИ ОБУНА” АКЦИЯСИНИНГ ИЛК ҒОЛИБЛАРИ!



Ғолиблар: (чапдан) Ҳокимбек ЭРКАБОЕВ, Оқолтин тумани адлия бўлими бошлиғи, Илҳомжон ЮНУСОВ, Сардоба тумани адлия бўлими бошлиғи

Раҳмат сизга, Сардоба ва Оқолтин туман адлия бўлимлари!

ЖАМИЯТИМИЗДА босма нашрларнинг алоҳида ўрни бор. Улар аҳолини холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлайди. Воқеа-ҳодисаларни тарихга муҳраб қолдириши жиҳатидан ҳам энг ишончли манба. Бундан ташқари, газета-журналлар айрим ижтимоий тармоқлардан фарқли равишда, одоб-ахлоқ ва адабий тил меъёрларига қатъий амал қилади. Аҳоли орасида чин маънода маърифат тарқатиб келади. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази муассислигида чоп этилаётган “Инсон ва қонун” газетаси, “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами” аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни тайёрлаш ва тарқатишда ана шундай нуфузли нашрлар сирасидан ҳисобланади.

Хабарингиз бор, 2022 йил учун ушбу нашрларнинг обуна ишларини фаол ташкил этиш доирасида “Ютуқли обуна” акцияси эълон қилинган эди. Унга кўра, ҳар бир ҳудудда энг кўп обуна

ишларини ташкил этган адлия бўлими ва давлат хизматлари марказлари ходимларини қимматбахо совға ва пул мукофотлари билан тақдирлаш назарда тутилган.

Акция доирасида ҳозирча Сирдарё вилоятининг Оқолтин ва Сардоба туман адлия бўлимлари юқори даражага эришиб, ғолиб бўлдилар.

Очиғи, ҳар иккала туман адлия бўлимларининг ишлари, айниқса, одамлар орасидаги фаолияти ҳам мақтовга лойиқ.

Зиёли, босма нашрлар билан алоқаси мустақкам, газета-китоб ўқийдиган ходимларнинг ҳар соҳада иши юришиши шубҳасиз!

Адлия тизимида ҳоҳ вилоят адлия бўлими, ҳоҳ туман адлия бўлими, ҳоҳ ДХМда бундай ходимлар кўплигига ишонамиз.

Қимматбахо совғалар ҳамда пул мукофотлари ўз эгаларини кутмоқда!

Ўз мухбиримиз

27 ЙИЛ ДЕГАНДА УЙИМ НОМИМГА РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ



ТОШКЕНТ вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшайман. “Барраж” маҳалласи Кумушсой кўчасидаги 193-рақамли уй-жойимга суд тартибда эгалик ҳуқуқи белгиланишида амалий ёрдам сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилдим.

1994 йилда шу уй-жойни фуқаро Л.Зоринадан сотиб олгандим. Уй-жойнинг ҳақиқий эгаси Россия Федерациясига кўчиб кетганлиги учун ўз вақтида уйни номимга расмийлаштира олмагандим. Шу кунгача менда ўзим яшаб турган уйга эгалик ҳуқуқи мавжуд эмас эди.

Оилам билан яшаётган уйимизни ўз номимга 27 йилдан буён расмийлаштиролмай сарсон бўлиб юрган эдим.

Адлия идораларидан халқ рози бўлаётганини, тажрибали ҳуқуқшунослар менга ўхшаган муаммоси бор одамларнинг мушкулени осон қилаётганини эшитиб, дилимда умид уйғонди. Адолат излаб, Бўстонлиқ туман адлия бўлимига мурожаат қилдим.

Ҳуқуқшунослар қонуний йўл билан ишимни ҳал қилишга тезда киришишди. Менинг манфаатимни кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Очиғи, менга кўрсатилган ҳолисона ёрдамдан жуда хурсанд бўлдим. Адолат излаб шунча йил сарсон бўлибман. Ўзим яшаётган уй ўз номимда эмасди, шунча йил худди бировнинг уйида яшаётгандек яшадим. Юристарнинг билими, халққа ён босиши билан шунча йиллик сарсонлигим якун топди. Мен кутган кун келди, уй-жой номимга расмийлаштирилди.

Беминнат ёрдами учун Бўстонлиқ туман адлия бўлими ходимларидан бир умр миннатдорман.

Розмамат ШОХМЕТОВ,
Бўстонлиқ тумани

24 ЙИЛДАН СЎНГ ЎЗ УЙИМНИНГ ҚОНУНИЙ ЭГАСИ БЎЛДИМ



МЕН 24 йилдирки, Янгиер шаҳар “Давлатобод” маҳалласида истиқомат қиламан. Яшаб турган хонадоним — Янгиер шаҳар “Давлатобод” маҳалласи “Талабалар” кўчаси 11-уй 55-хонадонни 1997 йилда қўшним С.Темиргалиевадан оғзаки келишувга кўра сотиб олгандим. Эътиборсизлик сабабми, уй-рўзгор ишларидан бўшамаганим туфайли, ўз вақтида ушбу хонадонни ўз номимга расмийлаштира олмадим. Қўшним эса уйни сотганидан кейин уйдан чиқиб кетган ва зарурат туғилиб, уйни расмийлаштироқчи бўлганимда уни излаб топа олмадим, қаердалиги шу пайтга қадар номаълум.

Ижтимоий тармоқларда адлия мен каби муаммоси бор фуқароларга ёрдам бериб келаётгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Чиқмаган жондан умид, дея мен ҳам Янгиер шаҳар адлия бўлимига бордим, уларга муддаоимни айтдим.

Адлия ходимлари ҳушмуомалалик билан мени кутиб олишди, мурожаатимни тинглашди. Тегишли тартибда аризамни иш юритувга қабул қилиб, ўрганиб чиқадиган бўлишди. Орадан кўп вақт ўтмай, адлия бўлими томонидан менинг манфаатимда фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар, қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқиб аризам асосли деб топилди, Гулистон туманлараро суди томонидан Янгиер шаҳар “Давлатобод” маҳалла фуқаролар йиғини, “Талабалар” кўчаси 11-уй 5-хонадонга нисбатан менинг эгалик ҳуқуқим белгиланди.

Шукрким, энди хавотирга ўрин йўқ. Адлия кўмаги билан уй-жойимнинг ҳужжатлари қонуний расмийлаштирилди, 24 йил яшаб келган уйимнинг қонуний ва ҳақиқий эгаси бўлдим.

Зухра ОЧИЛОВА,
Янгиер шаҳри

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИДАН МИННАТДОРМАН



ҲАЁТНИНГ кутилмаган синовлари кўп. Дунё бири кам яралган деб бекорга айтишмас экан. Яратган кимгадир дардни, кимгадир ғамни раво кўради. Инсоннинг сабру бардошларини, аτροφдагиларнинг меҳр-оқибати-ю, садоқатини балки шу тарзда синамоқчи бўлса керак.

Оддий қишлоқ аёлиман. Беш нафар болани тарбиялаб, вояга етказдим. Улардан бири — 1992 йилда туғилган кенжа фарзандим Дилшоджон бош мия фалажи билан ногирон бўлиб туғилди. Қўл-оёқлари умуман ишламасди. Ўн олти йил давомида шифохоналарда ойлаб, йиллаб муолажалар олдик. У парваришга муҳтожлиги учун ҳеч қаерда ишламасдан унга қарадим. Аммо боламнинг умри қисқа экан, 2008 йилда шу касаллик туфайли вафот этди.

Ҳозир 56 ёшдаман. Пенсия ёшидан ўтган бўлсам ҳам, етарли иш стажим бўлмаганлиги ва ногирон боламга қараганлигим учун имтиёزلардан ҳам фойдалана олмадим. Чунки боламга қараганлигим ва ана шу даволанишларимизнинг тарихи ёзилган ҳужжатларни ҳеч қайси шифохонадан топа олмадик.

Фарзандимни парвариш қилганимга розиман. Лекин давлатимиз биздек оналарга яратиб қўйган имтиёزلардан фойдалансам яхши бўларди, деб ўйладим. Шу мақсадда Булунғур туман адлия бўлимига мурожаат қилдим ва муаммоим ижобий ҳал бўлди.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаролик судига ариза киритилиб, менга 15 йилу 4 ой муддатда меҳнат стажи белгиланди. Бунинг учун адлия бўлимидаги ўз касбининг фидойиларидан жуда миннатдорман.

Зухра ЎРОЛОВА,
Булунғур тумани

АУКЦИОНДА СОТИБ ОЛГАН ЕРИМГА ЭГАЛИК ҚИЛА ОЛМАЁТГАН ЭДИМ



2020 ЙИЛ 19 ноябрда электрон аукционда қатнашиб, ер сотиб олган эдим. Ерлар қандайдир алмашиб тушганлиги учун Қоракўл туман кадастр бўлимига ва туман қурилиш бўлимига бир неча бор мурожаат қилган бўлсам-да, аммо сотиб олган еримни ўз номимга расмийлаштиришнинг ва белгилаб олишнинг имкони бўлмади.

Шундан сўнг Бухоро вилоят адлия бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Бошқармага қилган мурожаатим юзасидан Қоракўл туман қурилиш бўлими бошлиғи, туман кадастр бўлими мутахассиси, туман адлия бўлими ходимлари иштирокида ҳолат жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Қоракўл туман филиалига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Натижада Бухоро вилоят Қурилиш бошқармасининг ер участкаларига илова қилинган топохариталар асосида ҳужжатлар тўпламидаги қизил чизиқларга ўзгартириш киритилиб, мурожаатим қаноатлантирилди. Аукционда сотиб олган ерим ўз номимга расмийлаштирилиб, тадбиркорликни ривожлантириш учун ўзимга тегишли бўлган ерда иш бошлашим учун рухсат берилди. Бунинг учун адлия ходимларидан чексиз миннатдорман.

Акмал ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Қоракўл тумани

АДЛИЯ ХОДИМЛАРИ БОР БЎЛСИН!



ШАЙХОНТОҲУР туманидаги 48-сонли оилавий поликлиникада ишлардим. Ҳомилдорлик ва туғиш таътилидан қайтганимдан кейин иш билан таъминланмадим. Қисқартириш натижасида компенсация пули ҳам тўлаб берилмади. Ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраб, Шайхонтоҳур туман адлия бўлимига мурожаат қилдим.

Мурожаатим адлия ходимлари томонидан ўрганилиб, ҳақиқатан ҳам, поликлиника маъмуриятининг қонунбузилишига йўл қўйганлиги аниқланди. Туман адлия бўлимининг мазкур қонунбузилишни бартараф этиш юзасидан 48-оилавий поликлиника раҳбари номига тақдимнома киритиши натижасида, буйруққа асосан менга 1 миллион 276 минг 388 сўм миқдорда 2 ойлик компенсация ва 638 минг 194 сўм миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз билими ва тажрибасини аямайдиган адлия ходимлари бор бўлсин!

Зухра МУСУЛМАНОВА,
Шайхонтоҳур тумани

**ЮЗ МИНГДАН ОРТИҚ
НОРМАТИВ ҲУЖЖАТ
ЖОЙЛАШГАН**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни осон ҳамда қулай шаклда излаш ва улар билан танишиш имконини берувчи “Қонунчилик маълумотлари миллий базаси” ҳуқуқий ахборот излаш тизими — LEX.UZ “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази томонидан юритилмоқда. Бугунги кунда базада 100 мингдан ортиқ норматив ҳужжатлар жойлаштирилган.

2017 йил 25 сентябрдан бошлаб LEX.UZ ахборот тизими норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий ман-

ахборот технологияларидан, хусусан, Интернет ва ижтимоий тармоқлар — telegram, facebook, instagram, YouTube орқали ҳуқуқий ахборотни кенг тарқатишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Интернет тармоғида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган, моддий аҳолидан қатъи назар, барча аҳоли қатламларини бепул ҳуқуқий ахборот ва маслаҳат билан таъминлашни назарда тутувчи 10 га яқин ҳуқуқий сайтлар (advice.uz, Миллий ҳуқуқий интернет портали, bolahuqqlari.uz, test.adliya.uz, yurxizmat.uz, kurslar.huquqiyportal.uz, hudud24.uz)

ариза, илтимосномалар намуналари, нотариал тасдиқланадиган ҳужжатлар ўрин олган. Тизимдан фойдаланишни янада қулайлаштириш мақсадида бўлимлар 71 та соҳага бўлинган.

Марказимиз томонидан “Ҳуқуқий ахборот” телеграм канали — @huquqiyahborot ҳам юритиб келинмоқда. Ушбу каналда янги қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий ислохотлар ҳақидаги тезкор маълумотлар тушунарли тилда бериб борилади. Айни кунда каналнинг ўзбек тилидаги версиясини 300 мингга яқин фойдаланувчи кузатиб боради. Шунингдек, телеграм каналнинг рус, инглиз ва қо-

чиқилиб, видеотека шаклига шакллантирилди ва Адлия вазирлигининг YouTube ижтимоий тармоғидаги саҳифасига жойлаштирилди.

**ҲУЖЖАТЛАР ТЕЗКОРЛИК
БИЛАН ЮБОРИЛАДИ**

Давлат органлари ва ташкилотларига қонун ҳужжатларининг матнларини ўз вақтида етказиш мақсадида махсус ахборот тизими ишга туширилди.

Мазкур тизимнинг афзаллиги шундаки, бирор соҳага оид қонун ҳужжати қабул қилинганда ушбу қонун ҳужжати масъул ташкилотларнинг энг қуйи тизимига электрон шаклда тезкорлик билан етказилади. Бу-

ҳужжатларида берилган турли имтиёзлар, энгилликлар ва ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган 2 жилдан иборат қўлланма 2 000 нусхада тайёрланиб (аудио шакли ҳам), кўзи ожиз шахслар фойдаланадиган кутубхоналар ва тегишли таълим муассасаларига етказилди.

Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ишларини янада самарали ташкил этиш мақсадида равон ва содда шаклда ёзилган туркум ҳуқуқий адабиётлар — “Ёшлар учун юридик энциклопедия” 2000 нусхада, “Болалар учун юридик энциклопедия” 2000 нусхада чоп этилди, “Оила давраси учун юридик энциклопедия” нашрга тайёрланди. Жамиятда аёлларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз ҳуқуқларини англашига ва амалда қўллаш олишига қаратилган “Аёлларга ҳуқуқий мадад” амалий қўлланмаси 2000 нусхада чоп этилди.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва бурчларига бағишланган 10 та муҳим китобдан иборат тўплам 10 минг нусхада нашр этилди.

Аҳоли турмуш ҳаётида кенг фойдаланиши учун мўлжалланган “Ҳаётий муҳим масалалар бўйича ҳуқуқий қўлланма” фуқаролар мурожаатлари таҳлили асосида тўлдирилиб, 5000 нусхада қайта нашрдан чиқарилди.

БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ

Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими ҳам такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, Ҳукуматнинг 2019 йил 6 сентябрдаги 741-сон қарорига асосан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш ва аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти ва унинг ҳуқуқий маслаҳат бюрolari ташкил этилди.

“Мадад” ташкил этилганидан буён ўтган даврда 180 мингдан ортиқ фуқаролар бевосита мурожаат қилиб, ўзларини қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича бепул юридик ёрдам олишган.

Шунингдек, Буюк Британиянинг Citizens Advice тармоғи тажрибаларини ўрганиш асосида мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва онлайн режимда бепул ҳуқуқий маслаҳатлар беришга қаратилган Advice.uz лойиҳаси амалга оширилди. “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот портали орқали 140 мингдан ортиқ ҳуқуқий саволларга онлайн режимда жавоб берилган.

Бундан ташқари, адлия органлари томонидан жойларда ҳуқуқий ахборотни замонавий интерактив усулда етказиш мақсадида ташкил этилаётган “Ҳуқуқий ахборот кунлари”, “Адлия сайиллари”, “Адлия ҳуқуқий марши”, “Street Law” каби турли акция ва лойиҳалар доирасида ҳам аҳолимизни бепул ҳуқуқий ахборот билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

Умуман олганда, “ҳуқуқий ахборот ҳамма жойда ва керакли вақтда” тамойили асосида республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.



Шерзод БАҲРОНОВ,
“Адолат” миллий
ҳуқуқий ахборот маркази
директори ўринбосари

**ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ
ОДАМЛАРГА ЕТИБ БОРСАГИНА,
ТАЪСИР КУЧИГА ЭГАДИР**

АҲОЛИНИ ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш фаолиятини замонавий янги ёндашувларга асосан ташкил этиш ҳамда бу соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этишни бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада қуйидаги йўналишларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

ба мақомига эга бўлди.

Тизимга расмий мақом берилганига қадар, яъни 2016 йилда миллий базага 1 ойда 200 минг одам ташриф буюрар эди. Ҳозирги кунга келиб 1,5 млн. одам бир ойда LEX.UZ дан фойдаланиб келмоқда. Кўрсаткич 7,5 баробарга ошган. Lex.uzга доимий кирувчилар сони бир кунда 55-60 мин нафарни ташкил этади. Кўришлар сони эса, 240-250 мингта (бир ойда 5,3 миллионга)га етди.

Lex.uz сайтнинг янги версияси ишга туширилди. Янги функциялар жорий этилди. Жумладан, “Ақлли” излаш функцияси киритилди. Сўз ўзаги, қисқартмалар, хато сўзлар, синонимлар бўйича излаш алгоритми, изоҳ қолдириш ва ҳар бир ҳужжат матнида тақлифлар билдириш имконияти яратилди. Миллий базада рўйхатдан ўтиш ҳам мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳамда оператив, ташкилий ва бошқа хусусиятга эга ҳужжатларни алоҳида жойлаштириш механизми ишлаб чиқилди.

Мобил телефон орқали фойдаланиш қулайлашди. Android ва iOS операцион тизимлари учун янги версия ишлаб чиқилди. Ҳуқуқ соҳаси бўйича хизматлар ва маълумотларни олиш имконини берувчи ягона мобил илова яратилди. Ушбу мобиль иловада кенгайтирилган қидириш имконияти жорий этилди. LEX.UZнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграцияси йўлга қўйилди.

ЭНГ ҚУЛАЙ ЙЎЛ

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 23 миллион, мобил интернет фойдаланувчилари сони 20 миллион кишини ташкил этмоқда.

Шу сабабли, замонавий

ишга туширилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар учун бепул ҳуқуқий маълумот ва маслаҳат оладиган “Advice for business” махсус юридик портали йўлга қўйилди. У тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан тортиб уни тугатишгача бўлган барча зарур ҳуқуқий маълумотларни тақдим этади.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларга турли ҳуқуқий ҳужжатларни автоматлаштирилган ҳолда электрон шаклда тайёрлаш ва эркин фойдаланиш имконини берувчи махсус электрон ахборот тизими яратилди.

Бу электрон тизим юристлар ёки адвокатлар иштирокисиз ҳуқуқий ҳужжатларни, хусусан, юридик шахслар фаолиятида фойдаланиладиган корпоратив ҳужжатлар намуналарини, жисмоний шахслар томонидан фойдаланиладиган шартномалар, аризалар, илтимосномалар, битимлар каби ҳуқуқий ҳужжатлар намуналарини автоматлаштирилган ҳолда электрон шаклда тайёрлаш имкониятини беради.

Тизимнинг ишга туширилиши фойдаланувчилар билан бир қаторда давлат органлари ва юридик хизмат ходимлари учун ҳам катта қулайлик яратади. Чунки ҳозирга қадар Ўзбекистонда ҳуқуқий ҳужжатларнинг автоматлаштирилган базаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ортиқча вақт ва ресурс сарфлашига олиб келаётган эди. Эндиликда интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлган ҳар бир шахс ҳужжатни тизим орқали тўғридан-тўғри расмийлаштириб олиши мумкин.

Сайтнинг 6 та бўлимида судга оид ҳужжатлар, шартномалар, келишув, битимлар, ишончномалар, корпоратив ҳужжатлар, шахсий таркибга оид ҳужжатлар,

рақалпоқ тилидаги версиялари ҳам яратилган. Ушбу каналларда 12 мингдан ортиқ ҳуқуқий маълумотлар эълон қилиниб, улар билан 210 миллион марта танишилди.

Умуман, замонавий ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқлар имкониятидан фойдаланиш бир неча ўн баробарга кенгайтирилди.

МЕДИА МАРКАЗ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини кенг ёритиш бўйича ахборот-таҳлилий медиа материаллар, шу жумладан, аудио ва видеороликлар, воқеа жойидан репортажларни тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишидир.

Шу мақсадда Марказимиз қошида замонавий воситалар ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган ҳамда малакали ижодий ва техник мутахассислардан иборат инновацион Медиа марказ фаолияти йўлга қўйилган. Медиа марказга режиссёр, креатив муҳаррир, муҳбир, дизайнер, тасвирчи ва видеомонтажчилар ҳам жалб қилинган.

Ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчиликдаги янгиларни кенг ёритиш мақсадида туркум кўрсатувлар, кўплаб видеороликлар тайёрланиб, давлат ва нодавлат телеканалларда эфирга узатилмоқда, бундай медиа материалларнинг жамоат жойларида, хусусан, жамоат транспортларида ўрнатилган экранларда ҳам намойиши йўлга қўйилди.

Медиа марказ имкониятидан фойдаланган ҳолда фуқаролар учун фойдали бўлган турли мавзудаги ҳуқуқий маълумотларни қамраб олган 500 дан ортиқ махсус видеороликлар ишлаб

гунги кунда янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу тизим орқали 600 га яқин идоралар ва уларнинг ҳудудий бўлимларига электрон шаклда юборилмоқда.

Шу билан бирга, муҳим қонунчилик ҳужжатлари бўйича “пакет” тамойили асосида ҳуқуқий ахборот материаллари тўпламини тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида аннотация, слайд, флаер, инфографика, видеороликдан иборат 360 дан ортиқ ҳуқуқий ахборот “пакети” тайёрланиб, вазирик, идоралар ва ҳудудларга юборилди. Бу орқали вазирик ва идораларга ўз соҳа фаолиятларига оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари бўйича тайёр ахборот ва тарғибот материалларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

**ЎН ЕТТИ НОМДАГИ КОДЕКС
20 500 НУСХАДА**

Ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда барча аҳоли қатламларини қамраб олиш мақсадида юридик адабиётлар, жумладан, юридик дарсликлар, шарҳлар ва махсус қўлланмаларни тайёрлаш, чоп этиш ҳамда уларни таълим муассасалари, кутубхоналарга ва аҳоли орасида кенг тарқатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 17 номдаги кодекс 20 500 нусхада чоп этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш тадбирлари доирасида “Сайлов қонунчилиги бўйича” ўқув-амалий қўлланма, “Сайловга оид қонун ҳужжатлари тўплами”, “100 саволга — 100 жавоб” қўлланмаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодекси кўп минг нусхада нашр этилди.

Кўзи ожиз шахслар учун қонун



Нотариус минбари

ҲОВЛИМНИ ЖИЯНИМГА
ҲАДЯ ҚИЛМОҚЧИМАН

— МЕРОСХЎРИМ йўқ. Ҳовлимни жиянимга ҳадя қилмоқчиман. Ҳадя шартномаси ҳақида эшитдим. Васиятнома ёки ҳадя шартномаси тузиш тартиби ҳақида ҳуқуқий маслаҳат берсангиз?

Шавкат ХОЛИҚОВ,
Чирчиқ шахри.

— Ҳар бир шахс ўзига тегишли бўлган мол-мулкни, у нималардан иборатлигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, ўзи хоҳлаган шахсга ҳадя қилиб бериши ёки васиятнома қилиб қолдириши мумкин. Қонунчилигимиздаги шу қоидаги кўра, ҳовлингизни жиянингизга ҳадя қилишингиз мумкин. Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ҳадя предмети кўчмас мулк, яъни уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлганда, ҳадя қилувчи нотариал идорага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, коммунал хизматлар учун тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (жисмоний шахсларга тегишли уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми учун), уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ўзгартирилганда, қайта қурилганда ёки бузилганда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бу ҳақдаги қарори, бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, “Ергеодекадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинимасининг маълумотномаси, солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома.

Фуқаролик қонунчилигида ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширилишини назарда тутувчи шартнома тан олинмайди. Бундай ҳолатда ҳадяга нисбатан васиятнома тўғрисидаги қоидалар қўлланади. Ҳадянинг васиятномадан фарқи шундаки, мулк ҳадя қилувчининг тирикчилигида топширилади. Васиятнома эса, инсоннинг ҳаётлигида унинг мулкчи ҳуқуқларида акс этмайди. Васиятнома бекор қилиниши, ўзгартирилиши мумкин, ҳадя эса қоида тариқасида орқага қайтмайди. Ҳадяни шартнома дейиш мумкин, васиятнома эса, одатда, бир томонлама битимдир.

Саволга Чирчиқ шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хусан МАРДИЕВ жавоб берди.

НОТАРИАЛ ХАРАЖАТЛАР ҲАҚИДА
МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ?

— КЕЙИНГИ пайтларда қонунларни яхши тушунамлик, ҳуқуқий билимсизлик сабабли фуқароларимиз жуда кўп муаммоларга дуч келишмоқда. Агар уларга бирор-бир масалани нотариал тасдиқлатган ҳолда ҳал қилишни маслаҳат берсангиз, харажатларидан қочишадими. Лекин қонуний йўл билан иш тутганга нима етсин! Нотариал харажатларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган харажатлар ҳақида маълумот берсангиз.

Зухра ЭРҒАШЕВА,
Дехқонобод тумани

— Фикрларингиз, саволингиз жуда ўринли. Чиндан ҳам, кўпгина ҳамюртларимиз иш битиришининг осон, харажат талаб этилмайдиган йўлини танлашадими. Бошларига бирор-бир ташвиш тушганда эса, қонуний йўл афзаллигини англаб етишади.

Саволингизга келсак, нотариал харажатларни амалга оширганлик учун белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундирилади.

Нотариус нотариал харажатни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошқа жойга борганида манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар унинг ҳақиқатда қилинган транспорт харажатларининг ўрнини қоплайди. Нотариус томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча харажатлар учун ҳақ ундирилади.

Нотариус томонидан нотариал харажатлар амалга оширилганда нотариал тартибда тасдиқланган битим лойиҳасини мустақил тайёрлаган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий ҳамда техник тусдаги қўшимча харажатлар учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

Агар сиз айнан қайси бир харажатлар учун тўланадиган харажатлар ҳақида маълумот олишни истасангиз, яшаш ҳудудингиздаги нотариусга ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволга Шахрисабз туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дилноза ХАЙРУЛЛАЕВА жавоб берди.

Карим БАҲРИЕВ,
журналист

ОЛМОНИЯ

Немис амалдорларини пора эвазига оғдириб олиш деярли имконсиз, чунки улар бир лаҳзада барча нарсдан — мансабидан, имтиёзлардан, жумладан, кафолатланган пенсиядан қуруқ қолишдан қўрқади.

1998 йилда Олмонияга борганимизда Бош прокуратура, Олий Суд. Бундестаг (парламент) каби турли идораларда бўлди. Ўзбекчилик — чопон, дўппи, Чуст пичоғи каби совғалар олиб олганмиз. Қайси идорага кириб раҳбариятига совға қилсак, аввал рад этади, жуда қўйма-сак, ходимини чақириб, қанча туришини сўраб, кимим қилиб, ҳужжатлаштириб қўяди. Чунки 5-7 доллардан қиммат нарса совғага олиш мумкин эмас экан.

Биз ўзбек мусавири Исфандиёрнинг “Олтин куз” асари Лувр музейида сақланадиган ягона Оснелик замонавий расмонинг асари эканидан фахрланамиз. У қандай Луврга олинган? Бу Ўзбекистон раҳбари Франция Президенти Миттеранга совға қилган асардир. У ўзига олиши мумкин бўлмаганидан, музейга топширган.



ЭСТОНИЯ

1990 йилларда Эстонияда коррупция ва уюшган жиноятчилик чуқур илдиз отган эди. Ушбу мамлакат коррупцияни ахборот технологиялари хизматларининг бошқарувга ва давлат хизматларига фаол жалб қилиш орқали жиловлади. Бугунги кунда Эстония Европа иттифоқида ИТ-технология соҳасидаги илғор мамлакат ҳисобланади. Мамлакат тўлиқ бепул Wi-Fi билан, 98 фоиз ҳудуди эса симсиз интернет билан қамраб олинган.

Мен айнан “электрон ҳуқумат” тизмини ўрганиш учун 2015 йилда Эстонияда бўлганман ва турли даражаларда ўрганганман. Кўрганманки, ҳатто қувиридан сув оққан киши ҳам сантехника интернетдан буюртма беради, тиши оғриган киши стоматолог қабулига ҳам уйдан туриб ёзилади, фирма очмоқчи бўлган киши ҳам уйдан туриб, тегишли шаклни тўлдирган ҳолда ҳужжат топширади ва тез муддатда олади... Амалдорлар ва фуқаролар қарийб мулоқот қилмайди ёки бир-бирини жуда камдан-кам ҳолларда кўради. Эстонияликлар солиқ декларациясини электрон тарзда топширади. Масалан, 2010 йилдаёқ 97 фоиз декларация интернет орқали юборилганди. Юридик шахсни рўйхатга олиш 15 минутда ҳал бўлади, бунда тадбиркор кабинетма-кабинет сарсон бўлмайди. Эстония 2007 йилда дунёда биринчи бўлиб ўз фуқароларининг сайловда электрон тарзда овоз бериш имкониятини яратди. Ана шу тартибда е-мактаб, е-полиция, е-тиббёт тизимлари ишлайди.

КОРРУПЦИЯ БОРАСИДА
ҚАЙДЛАР

ШОИР Абдулла Орипов қилган суҳбатларимиздан бирида порахўрлик каби иллатларни одамнинг тирноқларига ўхшатган эдилар, яъни у тугамайди, ўсиб чиқаверади, фақат вақт-вақти билан мунтазам қирқиб туриш керак. Коррупцияни батамом енга олган мамлакат йўқ. Халқаро рейтингда биринчи ўринда турадиган Янги Зеландия 100 баллдан 89 балл олган, холос. Аммо коррупцияни самарали жиловлай олган мамлакатлар бор. Уларнинг тажрибаси бизга фойдалидир. Шундай қилиб...



СИНГАПУР

Мустақилликка эришган вақтда Сингапурда коррупция ниҳоятда авж олган эди. Ли Куан Ю бу даврни шундай ифодалайди: “Коррупцияни йўқотишда ишни ўз дўстларингиздан устасини панжара ортига ўтказишдан бошланг. Нима учунлигини сиз ҳам, улар ҳам яхши биласизлар... Иккинчи омил — бозор даражасига мос келувчи маошдир”.

Сингапурда коррупцияга қарши ишончли, институционал ва комплекс тизим яратилди. Бу тизим мустақам қонунлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, давлат хизмати ҳамда жамоатчилик назоратини қамраб олди... Бугун биров бир сингапурлик муаммони пора эвазига ҳал қилмайди, порага дуч келса, давлат идорасини хабардор қилади.

ХИТОЙ

Буни Шарқ дейдилар. Хитойда бошқарув тизими асрлар давомида коррупциянинг турли кўринишларини одатга айлантирган, пора қарийб қонунийлашган бўлган. Масалан, Цин династияси даврида давлат амалдори совға билан келмаган мурожаатчини қабул қилмаслик ҳуқуқига эга бўлган. Майдароқ амалдорга ғоз, қаттарок лавозимли амалдорга эса бутун бошли тўнғизни совға қилиш керак бўлган.

Бу ерда коррупцияга қарши дунёдаги энг каттик қонунлар ҳаётга татбиқ этилган, катта миқдорда коррупция жиноятини содир этганлар умрбод озодликдан маҳрум этилиши ёки ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин.



...Офицер каскада ва қора кўзойнақда турибди. Чўккалаб олган айбдорларнинг кўзлари боғланган. Жаллод тўпшончасини чиқаради ва айбдорларни гарданига ўқ узди. Худдики оддий ишини қилгандек. Сўжет тахминан беш сония давом этади. Сўнг диктор ним табассум ва расмий овозда шундай дейди: “Ҳурматли ўртоқлар, сиз ҳозиргина коррупционер-амалдорларнинг қатлини томоша қилдингиз. Энди эса эртанги об-ҳаво маълумотлари билан танишинг”.

Хитойлик экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, ХХРнинг коррупция туфайли иктисодий йўқотишлари мамлакат ялли ички маҳсулотининг 13-17 фоизини ташкил қилади. Давлат маблағларининг

20 фоизга яқини ноҳалол амалдорларнинг қўнғатига бориб тушган.

Хитойда коррупционерларнинг миллиардлик мол-мулкни мусодара қилиниб, уларнинг оиласига қатл пайтида ишлатилган икки дона ўқ учун 8 юан миқдоридан ҳисоб ҳам юборилади.

Сўнгги 30 йил давомида Хитойдан 4 мингдан ортиқ партия амалдорлари қочиб кетган. Улар ўзлари билан 7,1 миллиард доллардан ортиқ маблағни олиб кетишган.



ГОНГКОНГ

Коррупцияга қарши учта таъсирчан чора қўлланди:

Биринчи чора. Амалдорлар учун айбсизлик презумпцияси бекор қилинди.

Иккинчи чора. 1974 йили Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия тузилган. На ички ишлар вазирлиги, на хавфсизлик идоралари комиссия ишига аралаша олмайди.

Учинчи чора. Оддий одамлар ва журналистларга порахўрлар ҳақида маълумот бериш имконияти берилган.

Бундан ташқари, Гонгконгга пора бевувиларни жазолаш бекор қилинган. Амалдор ҳар доим айбдор.



ГУРЖИСТОН

Гуржистон 2003 йилда коррупцияни қабул қилиш индексида 1,8 балл билан Афғонистон, Ироқ ёнида эди... Аммо 2006 йилга келиб, Гуржистоннинг юқорида қайд этилган индекси 2,8 га, 2012 йилда эса 5,2 га кўтарилди. 2010 йилда мамлакат аҳолисининг бор-йўғи 2 фоизигина охириги 12 ойда пора берганини маълум қилган.

Гуржистон бир кунда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг 16 минг ходимини ишдан бўшатди. Чунки йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари амалда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳеч қандай иш қилмаслигини ҳамма билар эди. Уларнинг аксарияти йўлда фақат пора олиш учун турар эди, холос.

Янги солиқ кодекси 2005 йилда қабул қилинди. Жами 21 солиқ туридан фақатгина 7 таси қолди. Уларнинг аксарияти бўйича ставкалар пасайтирилди. Мамлакат коррупцияни жиловлаб, барқарорлик ва фаровонлик босқичига кирди.

МЕХРИБОНЛИК УЙИ НЕГА ЁПИЛДИ?

ОНАСИНИНГ бағрида эркаланиб ухлаш, отасининг машинасида боғчага ёки мактабга боргани билан гурурланиб мақтангиш — болаларнинг энг катта бахти. Минг афсуски, бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермас экан.

Меҳрибонлик уйи деразасидан хар куни маҳзун боқиб, отаси ё онасини, яқинларини соғиниш нима эканлигини, уни йўқлаб ҳеч ким келмаслигини тан олиш қанчалик азоблигини биласизми?

Навоий шаҳридаги “Меҳрибонлик уйи” да ана шундай соғинчларга маҳкум бўлган 120 нафар ўғил-қиз тарбияланарди. Уларнинг 13 нафари чин етим холос, қолганларининг ё отаси, ё онаси бор ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёхуд боласини сотаётганда қўлга олинди, жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаётган оналарнинг болалари улар. Бу даргоҳ меҳрга зор, бошпанасиз болаларнинг ҳақиқий ошиси эди.

Ўзбекистонда 16 та меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчаси бор. 86 та махсус мактаб-интернат мавжуд. Дастлаб бу муассасалар Президентимиз таклифи билан синов тариқасида Миллий гвардия масъулига ўтказилди. Кейинчалик эса босқичма-босқич оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, меҳрибонлик уйлари ёпилди. Хўш, меҳрибонлик уйи нега ёпилди?

Меҳрибонлик уйидан энг сўнги озриқли лавҳалар:

— Руслан, нега гиламнинг устига тупурдинг, ахир ҳозиргина тозалаб чиққанамми кўрддинг-ку... — зорланади энага.

— Йиғиштириш ишингиз бўлганидан кейин йиғиштирасиз-да, сизга шунинг учун пул тўлашади-ку... — онаси тенги аёлга кўрелик билан ўқрайди тарбияланувчи. (Энаганинг кўзида ёш айланади, аммо тили бирор сўзга айланмайди... гапиршига ҳадди сизмайди, чунки ҳаққи йўқ. Танбех бергудек бўлса, дарров юқорига хабар етказилиб, ўзини айбдор қиладиган ташкилотлар қараб турибди).

■ Меҳрибонлик уйи ҳовлисига гулзору гулларга тўла. Гулларни, табиатни яхши кўрадиган Нодиржон ҳовлидаги атиргулларга сув қуйишни яхши кўради. Унинг бу ишини четдан кузатган айрим ташкилот



ТАҚДИРНИНГ БЕШАФҚАТ ЧОРРАҲАСИ: УНИ МЕХР ЁРИТАДИ

ҳодимлари болаларни мажбурий меҳнатга жалб қилаяпти, деб муассаса раҳбаридан тушунтириш хати сўрайди. Гулларни севишнинг нимаси мажбурий меҳнат эканлигини ҳалигача тушунолмаيمان.

■ Меҳрибонлик уйидан кетиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг боши берк кўчага кириб қолиши, уларни тергайдиган, тўғри йўлга соладиган яқинлари назорати йўқлигидан жуда кўп хатоларга йўл қўйиши ва бу адашмишлар уларга жуда қимматга тушиши ҳам аччиқ ҳақиқат.

■ Энг ёмони бу ерда тарбияланувчилар ўзининг “ёпиқ” дунёсига ўрналиб қолганлигидан... Уларнинг тақдирига, пешонасига бир кемтикли таънали ёзиқ ёзилганлигида ва бу “тамға” уларни умр бўйи таъқиб қилишида...

Булар “Меҳрибонлик уй”лари нега ёпилди?, деган оддий саволга оддийгина жавоблар, холос. Аслида болаларни ҳаётнинг кадрига етишига ўргатиш, ота-оналари тақдир йўлида қаровсиз қолдирган ўғил-қизларнинг келажagini тақдир тўфонларидан асраш, жамиятда ўз ўринларини топишга

қўмаклашиш мақсадида шундай йўл тutilганлиги аниқ!

Энг асосий сабаб ва хулосани эса, Президентимиз ўтган йили Тошкентдаги 21-меҳрибонлик уйига ташриф буюрган чоғида кўрсатиб берганиди: “Меҳрибонлик уйида шароитлар яхши, лекин тарбияланувчиларнинг 18 ёшдан кейинги мустақил ҳаётга қўмаклашувчи масъул идора йўқ”.

Демак бу зарурат!

ЎЗ БОЛАСИНИ ПУЛ УЧУН ҚАЙТИБ ОЛИШДИ...МИ?

Кейинги бир йилда Навоийдаги меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг 22 нафари мустақил ҳаётга йўл олган. Қолган 84 нафарининг ҳам аксарияти аста-секин ўз оиласи, яқинлари тарбиясига қайтди.

Боласидан кечган тошбағирларга қандай қилиб меҳр уйғонди, дейсизми? Бунга меҳр сабабчи эмаслигини тан олиш оғир, албатта. Чунки ўз боласини “Меҳрибонлик уйи”дан қайтиб олган ота-оналарга ҳуқуқат ҳар ойда 1 миллион 200 минг сўм маблағ ажратадиган бўлди. Бу хабарни эшитиб, аввал боласига киё ҳам боқмаган онанинг ҳам ўғлига “меҳри” тобланиб кетди...

Ёки ўз боласини ҳокимият уй берса қайтариб олишга ваъда берган яна бир қарманалик она эса, уй олиб ҳам, субсидия ёрдамида ҳовли ва бошқа нарсаларни талаб қилиб, боласини олмасликдан ор қилмаганлиги қанчалик ачинарли.

Аммо нима бўлганда ҳам, аксарият қалдирғочлар ўқнига, мустақил ҳаётга, яқинлари бағрига қайтганидан хурсандмиз.

Фақат 18 нафар тарбияланувчиларнинг тақдири янги таҳрирга, алоҳида эътиборга муҳтож бўлиб қолди... Хўш, бу ўғил-қизларнинг тақдири нима бўлди дейсизми?

ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ: БУ ҲАҚДА БИЛАСИЗМИ?

“Меҳрибонлик уйи”нинг ўз тартиб-қоидалари бор эди. Бола-

лар давлат қарамоғида. Овқатлари тайёр, идиш-товоклари ювилган, кийим-кечак тайёр, ўтирган жойларига тартибга келтириб, йиғиштириб беришарди, хуллас, болаларга илм олиш, китоб ўқиш, спорт билан шуғулланишдан бошқа “юмуш” йўқ.

Улар учун “Меҳрибонлик уйи” ҳовлисини, ҳатто ўз хонасини тартибга келтириш ҳам мажбурий меҳнат саналади, деб қайд этилган. Мана шундай психология билан ўсаётган, қўлини совуқ сувга ҳам урмайдиган болалар учун ҳамма ишни бошқа хизматчилар бажариши, бизни давлат бир умр боқишга мажбур, деган иддао уларнинг миёнага ўрнашиб қолганлиги айрим ноҳуш ҳолатларга сабабчи бўлганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

■ АЧЧИҚ ХУЛОСАГА КЕЛАМИЗ: ОНА АЛЛАСИНИ ЭШИТМАГАН, ЎЗ ЯҚИНЛАРИДАН МЕХР КЎРМАГАН БОЛАДАН БОШҚА НИМАНИ ҲАМ КУТИШ МУМКИН? ■

Тўғриси айтганда, ҳаётнинг тоғдек оғир юкларини митти елкаларида, оғир жароҳатларни жажжи юракларида қўтариб юрган отаси бору отасиз, онаси бору онасиз болаларга осон эмаслигини жуда яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқатимиз болаларнинг бундай энгил ҳаётга ўрганиб қолмаслиги учун, яшаш курашдан, меҳнат ва машаққатдан иборат эканлигини амалда татбиқ этиш мақсадида “Меҳрибонлик уй”ларини тугатиб, у ерда тарбияланаётган болаларнинг оила муҳитига ўсишига эришишни таъминлаш, минг йиллик ўлмас қадриятларимизни уларга ўргатиш учун оилавий болалар уйини ташкил этишга қарор қилди.

Шундай қилиб, тарбия масканида қолган ўғил-қизлар учун 2 та оилавий болалар уйи ташкил этилди. Бирини “Меҳрибонлик уйи”да ўн бир йил тарбиячи бўлиб ишлаган Гўзал Султонова раҳбарлик қилаётган “Қувнок болалар” оилавий болалар

уйи. У тўққиз нафар болага оналик қилаяпти. Тўрт ўғил ва беш қизни ўз қарамоғига олган. Ўзининг ҳам уч нафар фарзанди, икки нафар набираси бор. Катта она даврасида бўлсангиз, бу ердаги самимият ва меҳрибонликдан юрагингиз тўлқинланиши тайин. Авваллар газ ёқишни ҳам билмайдиган қизлар бирласда чой дамлаб келишди. Сухбатимизни одоб билан тинглашди.

Иккинчи манзилимиз эса, “Меҳрибонлик уйи”нинг собик директори, сенатор, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси” Дилбар Орзиева оналик қилаётган “Янги замон” оилавий болалар уйи бўлди. Бизни оstonаданок илик меҳр, гўзал ранглар ва ширин таъмлар дунёси қарши олди.

Хонадонда тарбияланаётган қизлар нуруний онахоннинг тарбиясини олаётганлиги кўнглимизга ўзгача таскин берди. Бутун умрини болаларга сабоқ бериш билан ўтказган онахон Роза Ирисова бу файзли оиланинг каттаси. Қизларга бераётган насихатларида одобу ахлоқни, ҳурмат ва камтарликни, миллат учун нимаики муқаддас бўлса, барчасини қўшиб айтаётган нуруний аёл оилага янги қўшилган 5 ўғил, 4 қизни ўз фарзандлари ва 22 набира, 32 эвара-сидан кам кўрмайди.

Дилбар опанинг ҳорғин чехрасидан эса куйидаги иқроларни англашга ҳаракат қиламиз:

— Ўтган йил охирида “Меҳрибонлик уйи” ёпилиб, болаларни ўз яқинларига топширдик. Айрим битирувчиларимизга алоҳида квартира берилди. Ўн саккиз нафар боланинг эса, борадиган жойи, сўрайдиган яқинлари йўқ эди. Мен у болаларни тақдирнинг бешафқат чорраҳасида ёлғиз қолдира олмасдим. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокими қолган 5 нафар ўғил ва 4 нафар қизни ўз қарамоғимга олишимни сўраганида, сўзсиз рози бўлдим. Чунки бу таклифни рад этишим — аскарнинг оғир дамларида Ватан ҳимоясидан бош тортиши билан баробар эди...

Оилавий болалар уйида тарбияланаётган ўғил-қизларнинг барчаси мактаб ёшида. Улар шаҳардаги мактабларда таълим олишади. Дарсдан бўш вақтларида турли хил тўғарақларга қатнашади, китоб ўқийди, уй юмушларида оналарига қаршишни ҳам ўрганишяпти. Энг муҳими, худди бир она фарзандидек, бир-бирларига меҳрибон ва азиз.

Кўпчиликнинг ҳаёлидан кечаётган айрим саволларга жавоб бўлсин деб, болаларни асраб олганларни ҳуқуқат кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни, ҳар бир оилавий болалар уйига битта раҳбар ва битта тарбиячи штати берилганлигини ҳам таъкидлашни истардик. Қолган меҳрларнинг, оқибатларнинг, яхшиликларнинг барчаси беминнат, барчаси чин юракдан. Бу борадаги ислохотлар ҳали таҳрирга муҳтожлиги ҳам кўриниб турибди. Меҳр истаган кўнглилар ва келажакка даҳлдор бу ишнинг хайрли ва саодатли якуни топишига ишонамиз.

Бу ҳаётда яшашдан энг улуғ мақсадимиз — фарзандларимизнинг кўзларида гам кўрмаслик, уларнинг беғубор қалбларига оғир тошларни отиб, синдирилмасликдан иборат экан, Сизга талпинган жажжи кўчаларнинг муштга айланишига сабабчи бўлманг! Буюқ ёзувчи ва файласуф Фёдор Достоевскийнинг “Инсониятни болаларсиз бунчалик севиб бўлмасди!” деган ҳақиқати доимо ёдингизда бўлсин!

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири



ЎЗБЕКИСТОНДА инсонлар соғлиғини сақлашда нанотехнология маҳсулотлари, сунъий интеллект, сўнги ахборот технологиялари, нанотехнология маҳсулотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилмаганлиги ҳам тиббиёт соҳасини фуқаролар соғлиғини сақлаш бўйича имкониятлари чекланишига, мавжуд муаммоли вазиятларга зудлик билан самарали чора қўллаш имкониятларининг чекланишига ҳам сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ШИФОКОР ЎРНИНИ БОСА ОЛАДИМИ?

Ушбу ҳолатлар, айниқса, COVID-19 пандемияси даврида шифокор мутахассисларнинг етишмаслиги, беморлар сонининг кескин ортиши шароитида уларга уй шароитларида масофавий шаклда малакали маслаҳатлар бериш, дори воситаларини излаш, яшаш жойларига етказиб бериш, зарур тиббий муассасаларни излаб топиш каби оддий хизматларни электронлашмаганлиги, ушбу соҳаларга ривожланган давлатлар томонидан ўн йиллардан буён қўлланилиб келинаётган ақлли ёндашувларни жорий қилинмаганлиги кўплаб фуқароларнинг соғлиққа бўлган конституциявий ҳуқуқларининг бузилишига олиб келганлиги барчамизга аён.

Пандемия шароитидаги ушбу тажрибалар олдимизга инсон саломатлигини асраш ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш соҳасига рақамли технологияларни, сунъий интеллект маҳсулотларини жорий қилиш каби истиқболли масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари ҳақида тадқиқотлар ўтказиш заруратини вужудга келтирди.

**“СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ”
ТУШУНЧАСИ БИРИНЧИ
БЎЛИБ ЎТГАН АСРНИНГ
50-ЙИЛЛАРИ БОШЛА-
РИДА АНИҚЛАНГАН. У
АҚЛЛИ МАШИНАЛАР
ЯРАТИШ УЧУН ИЛМ-ФАН
ВА ТЕГИШЛИ ТЕХНОЛО-
ГИЯЛАРНИ ТУШУНГАН
J.MCCARTHY НОМИ БИ-
ЛАН БОҒЛИҚ.**

Сунъий интеллектнинг илк элементлари яратилиши ва ривожланиши бўйича кўплаб маълумотлар бўлиб, ушбу феномен дастлаб математик формулаларни ҳисоблаш, алгоритмга асосланган вазифаларни мураккаб бажариш, шахмат ўйинлари соҳасига жалб қилишда намоён бўлган. Сўнги йилларда эса сунъий интеллект нафақат аниқ фанлар соҳасида, балки табиий фанларга ҳам таъсир кўрсата бошлади. А.Евстратов ва И.Гученков ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда алоҳида қайд этишадиги, ҳозирги кунда сунъий интеллект технологияларидан инсон ҳаётининг турли соҳаларида: тиббиёт ва оғир саноатдан тортиб, компьютер ўйинларини ривожлантириш ва фильмлар яратишда фаол фойдаланилмоқда.

Лекин, айрим мутахассислар ушбу кенгайишнинг салбий тарафларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиладилар. Хусусан, А.Гусев ва С.Добридниқ сунъий интеллект технологияларига сўнги пайтларда кўпроқ муҳим

вазифалар ишониб топширилганлиги сабабли, бундай ҳолатларнинг оқибатлари қутилмаган ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, бу айниқса сунъий интеллектнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи хавф остида бўлиши мумкин бўлган тиббиётда қўллаш масалаларида яққол намоён бўлади, деб қайд этганлар.

Шунга қарамай, тан олиш керакки, узлуксиз давом этаётган илмий ва технологик тараққиёт даврида сунъий интеллект ҳаётимизда тобора муҳим аҳамият касб этаётган экан, ушбу технологияларни қуйидаги масалаларни ҳуқуқий ечимини топиш учун ҳам ўрганиш давом эттирилиши керак: биринчидан, инсоният келажагидаги сунъий интеллектнинг роли ва ўрнини аниқлаш зарур. Иккинчидан, айрим одамларга ёки одамлар гуруҳларига зарар етказмаслик учун сунъий интеллектдан фойдаланишнинг рухсат этилган чегараларини белгилаш керак. Учинчидан, сунъий интеллектнинг табиати ва хусусиятларини тушунишга асосланган ҳолда, келажакда ҳал қилишлари мумкин бўлган муаммоларга энг яхши жавоб берадиган тарзда қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалаларини ҳал қилиш талаб қилинади.

БЕМОРЛАР СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ НАТИЖАЛАРИГА СУЯНИБ ҚОЛИШГА ТАЙЁР ЭМАС

Сунъий интеллектнинг ҳозирги ривожланиши хатоларни минималлаштириш, муайян тиббий билимларни доимий ўрганиш ва аниқроқ диагностика технологиясига эга бўлишга хизмат қилади. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, қайд этиш зарурки, ушбу технологиялар шахснинг соғлиққа бўлган ҳуқуқларини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Тиббиётда сунъий интеллектдан фойдаланиш диагностиканинг аниқлигини сезиларли даражада ошириши, турли касалликларга чалинган беморларнинг ҳаётини энгиллаштиришга, янги дориларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш тезлигини ошириши ва бошқаларга хизмат қилиши мумкинлигини амалий натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Тиббиётда энг катта ва энг кўп муҳокама қилинадиган сунъий интеллект лойиҳаси Американинг IBM корпорацияси ва унинг когнитив тизими IBM Watson саналади.

Дастлаб, ушбу тизим онкологияга оид маълумотлар

асосида ўқитила бошланди ва кейинчалик IBM Watson узоқ вақт давомида аниқ ташхис қўйиш ва ҳар бир беморни даволашнинг самарали усулини топишга ёрдам бериб келмоқда.

Камдан-кам учрайдиган болалар касалликларини даволовчи Бостон болалар шифохонаси шифокорлари IBM Watsonдан аниқроқ ташхис қўйиш учун фойдаланмоқдалар. Ушбу тизимда сунъий интеллект Watson Health Cloudда сақланадиган клиник маълумотлар базаларида ва илмий журналларда керакли маълумотларни қидиради.

Хитойнинг “iFlytek” компанияси биринчи марта шифокор учун имтиҳон топширган ва амалиётга лицензия олган Хиаойи (Xiao Yi) ақлли роботини яратганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2017 йилда Nature журналида эълон қилинган мақолада одамларда учрайдиган тери саратонини таниб олиш ва аниқлаш имкониятини берувчи сунъий технологиялар қўлланилаётганлиги ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда касалликларнинг диагностикасида шифокорнинг роли психологик ва ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳеч қайси мутахассис томонидан инкор этилмайди. Масаланинг яна бир томони шундаки, бугунги кунда беморлар ҳам фақатгина сунъий интеллект натижаларига суяниб қолишга тайёр эмаслар. Шунингдек, давлатлар қонунчилиги тиббиётдаги хатолар учун роботларга жавобгарликни юклашнинг ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишмаган.

МОБИЛ ИЛОВА ТАВСИЯ БЕРАДИ

Сўнги пайтларда нафақат шифокорлар, балки беморлар учун қулайликлар яратишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Мисол сифатида, 2015 йил ноябрь ойида ишга туширилган Британиянинг Youg.MD компаниясининг мобил иловасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу мобил илова содда ва аниқ тилга мўлжалланган бўлиб, унга кўра бемор оддийгина қилиб ўзидаги тиббий муаммоларни айтиши мумкин. Масалан: “Менинг бошим оғрипти” дейилса, мобил илова кейинги қадамлар бўйича тавсиялар ва смартфондан мутахассисларнинг маслаҳатини тақдим этади.

Тиббиёт соҳасидаги яна бир технология янгилик сифатида, Medtronic компанияси томонидан ишлаб чиқилган дастурий

таъминот инсонни қонидаги шакар миқдорининг белгиланган даражадан пасайиш ҳолатлари ҳақида уч соат аввал оғохлантириш имкониятига эга.

Алоҳида минтақалар ва давлатларнинг ушбу соҳадаги фаолияти бир неча йил олдин бошланганлигини қайд этиш зарур. Жумладан, 2017 йил февраль ойида Европа парламенти мустақил қарор қабул қилишга қодир бўлган мураккаб роботларга “электрон шахс” мақомини беришнинг ҳуқуқий имкониятларини кўриб чиқиш бўйича резолюция қабул қилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида барча тарафлар (роботнинг мулкдори, жабрлануви ва давлат)нинг манфаатларини таъминлашга қаратилган самарали суғурта тизимини ишлаб чиқиш таклиф қилинган.

Европа иттифоқи қонунчилигида сунъий интеллектни тартибга солишга қаратилган қуйидаги қоидалар белгилаб берилган:

- сунъий интеллектга асосланган робот ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан инсонга зарар етказмайдиги;
- робот инсон буйруқларига бўйсунуши керак;
- робот ўз хавфсизлиги ҳақида қайғуриши керак, агар ушбу ҳаракатлар қонунларга зид бўлмаса.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, АҚШда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатлари бўйича жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар ўтказилган бўлиб, унинг натижалари асосида келгусида ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ҳал қилиниши белгилаб олинган.

Сунъий интеллект соҳасида тадқиқотларнинг жадал ривожланиши, ҳукуматлар ва саноат томонидан тақдим этилаётган манбалардан соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўлланилишини ва харажатларни тежаш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун катта имкониятларга эга.

Бизнингча, тиббиётда сунъий интеллектдан фойдаланиш касалликларни диагностика қилишга ёрдам беради. Касалликларни самарали даволаш ва олдини олиш имкониятини беради. Сунъий интеллект кўпроқ касал беморларни қутқаришга, соғлиқни сақлаш муассасалари самарадорлигини оширишга ва шифокорларнинг ишини энгиллаштиришга ёрдам беради.

Сунъий интеллект объектлари фаолиятининг ҳуқуқий режимининг қонунчиликда белгилаши нафақат хусусий ҳуқуқни, балки амалдаги оммавий ҳуқуқ соҳалари доирасидаги оммавий ҳуқуқ нормаларини ҳам ўз ичига олиши керак. Бу эса, авваламбор, маъмурий ҳуқуқни ва маъмурий жавобгарликка оид нормаларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Тиббиётда эксперт тизимлари ва сунъий интеллект тармоқлари қуйидаги вазифаларни бажариш учун мўлжалланган: катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаш (электрон тиббий ёзувларни таҳлил қилиш); клиник ташхис жараёнини юритиш; асоратлар хавфини башорат қилиш; патологик жараёнларнинг эрта ривожланишини аниқлаш; терапия усулларини танлашга мослаштирилган ёндашувни қўллаш; ҳар бир беморнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Халқаро тажриба сунъий интеллект, шунингдек, унинг фаолияти одамлар ҳаёти ва соғлиғига бевосита таъсир қилиши мумкин бўлган соҳаларга кенг жорий қилинаётганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида соғлиқни сақлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу, албатта, соғлиқни сақлаш тизимини келажакда янги поғонага олиб чиқишига хизмат қилади.

Гулнора СУЛАЙМОНОВА,
ТДСИ Микробиология ва
фармакология кафедраси
доценти,

Хулкар САФАРОВА,
ТДЮУ Конституциявий ҳуқуқ
кафедраси ўқитувчиси

МАКТАБСИЗ келажак йўқ! Устозсиз илму маърифат қуриган дарахтдек гап. Устоз-шоғирдлик анъанаси давом этсагина, жамиятда ҳаёт гуллаб-яшнайдди, акс ҳолда эса, жамиятнинг илдизлари ҳам ҳар қанча бақувват бўлмасин, ҳаётдан, тирикликдан узилиб, қурий бошлайди.



Нонинг тошдан қаттиқми, устоз?!

Илдизлари қуриганда, нураган девордай ҳолга келганда эса, қайси касб ёки ҳунар, қайси соҳа бўлмасин, ҳаётда бир четда қолиб кетади. Замон шиддати олдида тараққиётнинг зарбасига дош беролмай, адойи тамом бўлган ёки йўқолиб бораётган қанчадан-қанча соҳалар бор.

Айтмоқчи бўлганимиз — бирор касб ёки ҳунар, бирор соҳа фаолиятида юксалиш бўлиши учун унинг ривожланишига етарли шароит керак, албатта!

Очигини тан олиб айтиш керак, педагогикадан кейинги йилларда анча-мунча кадрлар кетди. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, бу ҳақиқатни ҳам яшириб ёки беркитиб бўлмайдими.

Бугун педагогларимизга қўйилаётган талабни, уларга тўланаётган ойлик маоши билан солиштирганда орада катта тафовут бор. Бу сезиларли тафовут фидойи касб эгаларидан фақат талаб қилиш эмас, уларга шароит яратиш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда.

Ўқитувчилик осон касб эмас! Бугун бу соҳада фақат фидойилар ишламоқда. Ривожланган дунё давлатларида ўқитувчиларни жуда қадрлашади. Ўқитувчига юқори маош тўланади. Табиийки, моддий аҳволи яхшиланган, оиласи учун етарли, ҳалол меҳнатига яраша ҳақ олаётган муаллим ҳам шунга яраша ишлайди!

Биздани?! Шахсан ўзим кўп бора ўқитувчилар билан суҳбатлашганимда уларнинг юраги тўла армон, фикр ҳаёли қозғоноқлиги ноҳақликдан ранжиш бўлиб қолаётганига гувоҳ бўламан. Яқинда ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг мактабларда дарс беришида ҳам, ҳатто синф раҳбарлигига қўйилишида ҳам чекловлар бўлаётганини эшит-

дим. Бу нима деган гап?! Ўзи шундоғам ойлик маоши ҳаминқадар педагогга таҳқирлашми?!

20 йиллик иш тажрибасига эга бошланғич синф ўқитувчиларини биламан. Қишлоқ мактабиди шунча йил ишлаб, тажриба орттирган, оилада аёллик, оналик, келинлик вазифасини ҳам уддалаб, мактабда қанчадан-қанча шоғирдларни тарбиялаган, фидойилик билан таълим бериб, катта ҳаётга учирма қилган устозларимизни ўрта махсус маълумотлисан, деб қайси ақл билан бир четга сураямиз?! Шахсан мен бу аҳволда таълимда ривожланиш бўлишига ишонмайман!

Ўрта махсус маълумотли бўлгани учун мактабда ишлаб ҳам ободонлаштириш бошқармаси ходимларидан кам маош оладиган педагоглар бугун дардини кимга айтишни билмаяпти. Улар билан суҳбатлашсангиз, “Нонинг тошдан қаттиқми, устоз?!” деган ингрок эшитилади ич-ичингиздан. Юрагида озгина бўлса-да устоз зотиға хурмати бор одам ўқитувчиларга қўйилаётган бу талаблардан норози бўлиши тайин.

Ўзи бошланғич синф ўқитувчиси, 20 йиллик иш тажриби бор, уч-тўрт фарзанднинг онаси бўлган бу аёллар боласи қатори олийгоҳга ҳужжат топшираётган бугун. Иш стажига эга педагогларга ажратилаётган қўшимча қабул квоталари етарли даражада эмас! Иш тажрибаси бор, етарлича касбга лаёқатли, бир неча марта малака оширган, педагоглик соҳасида ўрнатилган бўлса-да, маълумоти ўрта махсус ўқитувчиларнинг билим-савияси бугунги баъзи бир олий маълумотли кадрларнинг билимидан ортиқ бўлса ортиқ, кам эмас!

Миллатимиз миллат, халқимиз халқ бўлиши, бу кундан-кун тараққий этиб

бораётган замонда ёшларимиз янада билимли бўлиши учун бор умрини соҳага бағишлаган фидойиларни кадрламасак, кимни қадрлаймиз?! Олаётган ойлигига қаноат қилиб, бошқа пултопар соҳага “ўзини уриб” кетмаган бу фидойиларни бугун елкасидан итарсак, адолатданми?!

Синф раҳбари бўлишга 20 йиллик иш тажриби бор педагог лойиқ бўлмаса, ким лойиқ?! Бу саволларимизга соҳа масъулларидан жавоб кутиб қоламиз. Зеро, ўқитувчини қадрлаган миллатгина тараққий топганини кўпгина ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриб-билиб турибмиз.

Ўқитувчиларимизда андиша, ички маданият кучли! Улар ишлаётган соҳасининг нафақат билимдони, балки фидойиси ҳамдир. Улар кўрканидан эмас, касбини, мактабни севганидан ҳақини талаб қилмайди, индамайди. Афсуски, Сизу бизга ўхшаган “АҚЛЛИ” қарорлар чиқарадиган, ҳаётдан узилган қонунлар қабул қиладиган шоғирдлари бор уларнинг. Шу шоғирдларига инсоф тилаб, ҳар сафар қўлини дуога очганда ҳеч бўлмаса нафақатга ўзи севган ишида, кадрдон мактабиди ишлашни истайти устозларимиз. Биз қандай шоғирд бўлдикки, олий маълумотли эмассан, деб уларнинг елкасидан итарсак?! Уят эмасми?!

Бизга шундай қонун керакки, у қонун устозларимизни мактабдан қувмасин! Устозларимизни 20 йиллик тажрибаси билан синф раҳбари бўлмолайсан, деб юзига тарсаки тортмасин, елкасидан итармасин! Бизга шундай қонун керакки, керак бўлса, ўша олий маълумотли шоғирд бўлиб бизга таълим берган, бор билимини бериб, “ақлимизни йўрғаклаган” устозимизга шароит яратиш бера олайлик! Агар шу устозларимиз олий маълумот олиши керак бўлса, янги бир университет очиб бериб, замон талаблари даражасида ўқитайлик уларни! Миллатга фидойилик қилса, миллатга ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган шу тоза виждонли устозларимиз фидо бўлади! Токи, йиллаб имтиёзли қабул квоталарида навбат кутиб ранги сарғаймасин устози аввалларимизнинг!

Майли, ўқитувчилар ва мураббийлар кунда, байрамларда совғами икки энлик электрон номами йўлламайлик, орияти кучлилигидан тепадаги раҳбарига гапиролмаётган устозларимиз учун мард бўлиб, онасини химоя қилган фарзандидек туриб ақлимиз этганича уларни химоя қилайлик! Орияти, хамияти, яна бир бор айтаман, ички маданияти биздан юз қарра, минг қарра кучли устозларни бу қадар хўрламайлик биз ақли ноқис шоғирдлар.

Ўзбекнинг боласи

Бухоро вилояти Когон тумани “Ўбачўли” МФЙ Янги Қаллуқ қишлоғи 86-уйда яшовчи Гулчеҳра Нормуродова ўзига “Агробанк” АТБ Бухоро вилояти бошқармасидан келган хатни ўқиб, таажжубдан ёқа ушлади.

“АГРОБАНК” АЛАҲСИРАДИ



— Мазкур банкка профиль ишлаб чиқариш дастгоҳи сотиб олиш ниятида эканимни айтиб, 2021 йилнинг октябрида мурожаат қилганим, — дейди у. — Тегишли ҳужжатларни ҳам тақдим этганим. Аммо банк ходимлари “Ишингиз эрта-индин ҳал бўлади”, деб роса овера қилди. Охир-оқибат банк раҳбари имзоси билан ажабтовур жавоб хати олдим.

Фуқаронинг “ажабтовур” дейишида жон бор. Банкнинг 2021 йил 17 декабрдаги 02/947-сонли жавоб хатида шундай сўзларни ўқиш мумкин:

“...Мурожаатингизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам беришни сўрагансиз... Мурожаатингиз юзасидан банк ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинининг маъсул ходими билан биргаликда дастлабки мониторинг ўтказилганда таъминотчи корхонадан чорва моллари олиб келинмаганлиги маълум бўлди, бу тўғрисида тегишли далолатнома расмийлаштирилган бўлиб Ҳудудий филиал томонидан кредит ажратилмаслигини маълум қиламиз”.

Банқдан қурилиш материали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида имтиёзли кредит сўраган фуқарога чорва моллари ҳали олиб келинмагандан сўз очишса, ҳар қандай киши ҳам ёқасини ушлаб қолиши тайин. Қолаверса, Гулчеҳра Нормуродованинг таъкидлашича, мурожаати юзасидан банк ходимлари ҳам, маҳалла вакили ҳам у билан учрашган эмас. Ёлғончилик, лоқайдлик ҳам эви биланда.

Ушбу жавоб хатининг “Агробанк” АТБ Бухоро вилояти бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ахборот тизимига ҳам юклатилганини айтмайсизми?!

Г.Нормуродова Халқ қабулхонасига ушбу масала ечими борасида кўмак сўраб мурожаат қилди. Суҳбат жараёнида у чорва моллари эмас, балки профиль ишлаб чиқариш дастгоҳи сотиб олиш учун кредит ажратишни сўраб мурожаат қилганини, хонадонига банк ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари келмаганларини ва ҳеч қандай далолатнома ёзмаганларини билдирди.

Маълумки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Афтидан, банк мутасаддилари масаланинг бу жиҳатини унутишмоқда. Ақс ҳолда бир фуқарони шу қадар овера қилишмас, мурожаатига панжа орасидан қарашмас эди.

Гулчеҳра Нормуродовага келсак, Халқ қабулхонаси аралашуви билан унга ваниҳоят тадбиркорлик фаолиятини оқилона йўлга қўйиши учун 36 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи ажратилди.

Саид МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Когон туманидаги Халқ қабулхонаси мудир

ЭЪЛОНЛАР

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси ва Жиноят ишлари бўйича Қосон туман судининг 2021 йил 28 сентябрдаги айблов ҳукмига асосан Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 28 декабрда “Qashqadaryo Argument” адвокатлик фирмаси адвокати Ashurov Shadiyor Ismailovichga берилган КС 000125-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

“Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 28 декабрдаги буйруғига асосан адвокат Sharifov Ixtiyor Shofiddinovichga бошқарма томонидан 2019 йил 14 октябрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ВН №000152-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №144, 04.11.2019 й.) унинг аризасига мувофиқ тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси-

нинг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 9 декабрдаги 391-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Тушчиёев Nuriddin Malikovichga бошқарма томонидан 2018 йил 27 декабрда берилган СА 000185-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 11 декабрдаги 392-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Abdurasulov Vaxtiyor Iktomovichga бошқарма томонидан 2020 йил 2 декабрда берилган СА 000454-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 22 декабрдаги 258-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Yarkulov Rustam Sharopovichga бошқарма томонидан 2018 йил

28 декабрда берилган NV 000013-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги буйруғига асосан адвокат Shirinov Azizjon Bahronovichga бошқарма томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ВН №000105-сонли лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №105, 25.12.2018 й.) тикланди.

Адвокат Nazarov Samarjon Sidiqovichning адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилишини тугатиш ҳақидаги аризаси сабабли Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2021 йил 4 февралда берилган ТS №000458 рақамли адвокатлик лицензиясининг амал қилиши ва адвокат мақоми Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 27 декабрдаги 112-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Инсон ва қонун

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897



4 772010 789008

Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музаф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Юлдашева Шохидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Маруза Ҳосилова

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4020
Буюртма — V-4998

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 00:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ОРГАНЛАРИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА



Эзгу тилак

Истиклолнинг тенгдоши бўлиб, Мухим фармон қилинди имзо, Адолатнинг офтоби қулиб, Юракларга бўлди жо бажо.

Гарчи унинг йўли чароғон, Асрларнинг садосин берар. Она Ватан — хур Ўзбекистон, Эзгуликлар ҳосилин терар.

Бош мезондир қонунларимиз, Инсон эрки устуворлиги. Эл олдида ёруғ юзимиз — Адолатнинг бизга ёрлиги!

Адолат ҳеч топмасин завол, Халққа мадад бўлсин ҳақиқат! Хур авлодлар топсинлар камол, Баланд бўлсин бу юртда миллат.

Аброр БЕРДИЕВ,
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

Китобингизни ўқидим

АДОЛАТ — дунёнинг устуни. У қуласа, бутун халқ, бутун миллат, бутун олам қулайди. Адолатни мустаҳкам ушлаб турувчи омил эса, қонунлардир. Бизнинг олий бурчимиз ана шу қонунларга риоя қилиш, ҳамиша адолатли бўлиб, ўз Ватанимизни асрашдир.

ЭЗГУЛИКНИНГ ЙЎЛИ ЁРУҒ

Аммо ҳамма ҳам шундай йўл тутавермас экан. Ўз манфаатлари йўлида, ҳатто, қонунни ҳам оёқости қилишдан тоймайдиган худбин кимсалар ҳам бўлар экан. Шундай кимсалар ҳокимият тепасига келиб қолишса, халқнинг аҳволи нима кечади? Бундай кимсаларга қарши турувчи, адолат йўлидан борувчи чин инсонлар, Ватаннинг асл фарзандлари топиламан?! Халқни бегуноҳ айбанишдан, сабабсиз жазоланишдан қутқариб қола оладиган одамлар бормикан?! Тажрибали ҳуқуқшунос, кўплаб детектив асарлар муаллифи Комил Синдаровнинг “Тунги қотиллик” асари айнан шу ҳақда.

Асарда бегуноҳ бир инсон, тажрибали шифокорнинг ўта оғир тухматлар билан қамалиб кетгани, одам ўлдиришдек ёвузлик унинг қўлидан келмаса-да, бу жиноятни ўзи содир этмаган бўлса-да, шундай оғир гуноҳни ўз бўйнига олиши тасвирланган. Нима учун одам ўзи қилмаган ишни бўйнига олади? Ахир, инсон ўз ҳақлигини исботлаши керак эмасми?

Адолат қарор топишини ёқирмайдиганлар давлат манфаатларини ниқоб қилиб олиб, ўз разилликларини амалга ошираверишади. Улар бу йўл билан давлатга хизмат эмас, хиёнат қилаётганликларини ўзлари билишармикан?! Улар қандай йўл билан бўлса-да, ўз ёвузликларини амалга оширсалар бўлди. Ёвузликни ихтиёр қилган одамларни ҳеч қандай адолатли оқлов далили ҳам шум ниятидан қайтара олмайди. Халқ ва давлат манфаатлари билан уларнинг ҳеч қандай ишлари йўқ. Ўз айбларини бошқаларга ағдаришни касб қилиб олиб,

бегуноҳ одамларни ҳам қаматиб юборишади. Шундай бегуноҳ қамалганлардан бири Ўқтам эди. Халқига ва ўз касбига содик қолиб инсонларни даволагани, халқнинг дардига дармон бўлгани, соф меҳр-мухаббат билан Гўзални севгани, қалбидаги бор соғинчини қоғозга кўчириб, шеърлар ёзгани унинг айбимикан? Гўзал билан Ўқтам ўртасидаги мухаббат шу қадар соф ва самимийки, асардаги ҳар бир мисра шеър буни исботлаб турибди.

Маҳорат билан ёзилган ушбу асар ҳар бир китобхоннинг юрак тубидан жой олади, ўқувчини китобга ошно қилиб қўяди. Аммо бу мухаббатга раҳна солувчилар, самимий дил сўзларидан қотиллик нишонларини қидирувчилар ҳам топиламан экан. Улар оддий одамлар эмас, ҳокимиятга интилаётган улкан бир тузум, уларга ҳамма ҳам қарши чиқа олмайди. Фақат ҳақиқий инсонгина, чин фарзандгина бу ишга журъат қилади. Бегуноҳ кишиларни олов қазридан қутқариб олишга ҳаракат қилади. Асар қаҳрамони бўлган айнан шундай фазилатли инсон маҳоратли терговчи Санжарбек Раҳмоновдир. Санжарбек ниҳоятда кийин бўлса-да, оқимга қарши тура олди. Ўзининг мустаҳкам иродаси билан ҳақиқат қарор топиши учун курашди. Ҳатто бу йўлда қуруқ тухматга, турли таҳдидларга учраса-да, адолат йўлидан қайтмади, ўз фикрида собит турди. Унинг энг яхши қуроли эса, иймон, инсоф, адолат ва қонун бўлди. Ҳеч ким уни ортга чекинтира олмайди. Айнан шу жасурлиги, ёвуз тузумга қарши бора олган қаҳрамонлиги учун ҳам у мақсадига етди. Бир бегуноҳ инсоннинг



айбсизлигини, ўзини давлат хавфсизлиги учун хизмат қилаётгандек кўрсатган одамнинг эса, хоинлигини исботлади.

Албатта, ҳеч нарса абадий эмас. Ёвузликнинг умри қисқа бўлади. Бир куни эзгулик барибир ғалаба қозонади. Санжарбек халқ ва миллат учун, давлат таракқиети учун курашди. У жаҳолатга ботган тузумга қарши тура олиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Давлатимизни улкан жарлик томон тортаётган бу тизимни ислох қилиш кераклигини амалда кўрсатиб берди. Айнан шу сабабли ҳам у бизлар учун зулматда порлаган нур сингари қалбда умид учқунларини ёқди. Келажакка, давлатнинг юксалишига бўлган ишончини янада оширди.

Комил Синдаровнинг бу асари бизларни адолатли бўлишга, ҳамиша тўғри йўлдан боришга, Ватанга чин дилдан хизмат қилишга чақирувчи китобдир. Асарда инсон ҳуқуқлари ва давлат қонунлари олий кадрнинг эканлиги ўз исботини топган. Китобни ўқишни, аввал ўқиган бўлсангиз, яна бир бор мутолаа қилишни тавсия қиламан.

Назokat ОБИДЖОНОВА,
ТДЮУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

АКАДЕМИК шоир Ғафур Ғулум — Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг машҳур ижодкорлардан бири эди. Унинг шеърларида ҳам, насрида ҳам ўзбек халқининг долғали даври тарихи ўзининг бадиий аксини топган. Ранг-баранг жанрларда ижод қилган адиб болалар учун шеърлар, кейинчалик эса, лирик шеърлар, достонлар, ҳикоялар, қиссалар яратди.

АКАДЕМИК ШОИР ИЖОДИДА ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАЛҚИНИ

Уйига Муқимий, Фуркат, Асирий, Хислат ва бошқа шоирлар келиб турган, Тошкентнинг зиёли оиласида дунёга келган Ёш Ғафур аввал эски мактабда ўқийди. 1916 йилнинг кузига рус-тузем мактабига ўқишга қиради. Унинг отаси ўзбек ва форс адабиётининг етук билимдони, рус тилини ҳам яхши билган, Ғулумий ва Мирзо тахаллуслари билан шеърлар ҳам ижод қилган. Отасидан эрта етим қолган Ёш адиб онасининг вафотидан сўнг ишлашга мажбур бўлади. Кўплаб касб-хунарларда ўз иқтидорини синаб кўради, бир неча марта иш алмаштиради, ниҳоят босмаҳонага харф терувчи бўлиб ишга қиради.

Ғафур Ғулумнинг адабий фаолияти 1923 йилда шеърлар ва ҳажвий ҳикоялар ёзиш билан бошланади. Кейинчалик дoston, очерк ва қиссалари газета ва журналларда чоп этила бошлади. 1923 йилда ёзилган ва “Маориф ва ўқитғувчи” газетасида босилиб чиққан илк шеърларидан бўлган “Гўзаллик нимада” номли шеърини кўпчилилик ёддан билади.

Кейинчалик бирин-кетин унинг шеърини тўпламлари босилиб чиқди. Уларнинг асосийлари “Хитой суратлари”, “Биз сизлар билан тирикмиз”, “Сизга”, “Совға”, “Тонг қўшиғи”, “Кўқон” дostonи ва бошқалардир. “Динамо”, “Тирик кўшиқлар” ёш шоирнинг ёрқин намоён бўлган биринчи шеърини тўпламлари эди.

30-йилларда Ғафур Ғулум ҳикоя,

очерк, фельетонлар катори “Нетай”, “Ёдгор”, “Тирилган мурда” каби қиссаларини ҳам китобхонларга тақдим этди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида шоир ўз ижодининг бутун ҳароратини фашист босқинчиларига қарши курашаётган халққа, унинг муқаррар ғалабасига бағишлади. У “Сен етим эмассан”, “Олтин медал”, “Кузатиш”, “Вақт”, “Соғиниш” каби шеърлар, публицистик очерк ва мақоалар ёзиб, фронт ортидаги халқни дадилликка чорлади, меҳнат ғалабасига отлангирди.

Кейинчалик Ғафур Ғулумнинг йигирмага яқин шеърини тўпламлари нашр этилди. Айниқса, шоирнинг “Кузатиш”, “Сен етим эмассан”, “Қиш”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак”, “Вақт”, “Оналар”, “Мен яхудийман” сингари асарларида дунё халқларини фашизм ва босидан халос этган жангчиларимизнинг мардона курашлари тасвирланган.

Шоирнинг боқий ҳаёт, мангу кўк дарахт ҳақидаги “Қиш ва қор”, “Нон”, “Тошкент”, “Қутбда сайловлар”, “Қиш”, “Хотин”, “Афсуски, афсуски кўшиб кўмади”, “Бог”, “Қайғу”, “Куз келди”, “Кузги кўчатлар” каби шеърларида умуминсонийлик, инсонпарварлик мавзулари ўз аксини топди.

Кўпгина шеърларида шарқ доғишманди — ота тимсоли мавжуд. Шоирнинг “Сен етим эмассан”, “Қайғу”, “Бири бирига шогирд, бири бирига устод”, “Сизларга —

ёшлар”, “Баҳор тароналари” шеърларини бир эсланг!

“Нетай”, “Ёдгор”, “Шум бола” қиссалари ва “Шариат найранглари”, “Менинг ўғригина болам” ҳикояларида эса, чинакам халқ қаҳрамонлари, ўзбек халқининг миллий кийфаси ўз аксини топган. Ўз даврининг долзарб асари ёш авлодни тарбиялашдаги қудратли куч ҳақида сўзловчи “Йўлдош” дostonи эди. Фуқаролик урушида яқинлари Йўлдошдан айрилади. Бошқа етим бўлиб қаровиз қолган болалар каби бу болакайга ҳам давлат ғамхўрлик қилади — улар учун бошпана бўлган интернатлар ва болалар уйлари очилди.

Болалар уйи тарбияланувчилари ўз Ватани мустақиллиги ҳимояси учун доим тайёр туришади. Дostonда Йўлдошнинг отаси билан учрашуви катта маҳорат ва илиқлик билан тасвирланган. Ўз бурчига вафоли инсонлар сиймоси чуқур ва кенг очиб берилган. Ватан ҳимоячиси мавзуси Ғафур Ғулумнинг 1941-1945 йиллардаги кейинги ижодида янада ривожланди ва чуқурлашди. У ижоди орқали халқни фашистлар устидан ғалаба қозонишга чорлайди. Шоир урушдан кейинги даврлардаги мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ўзбек аёлининг иштироки ва ўрни қандай бўлганини ўз ижодида тараннум этади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ғафур Ғулум “Навий ва бизнинг давр”, “Фольклордан ўрганаёлик” тадқиқотлари-



ни, “Жалолитдин драмеси ҳақида”, “Муқимий” мақоаларини ёзди, кўплаб мумтоз асарлар нашр этилишида масъул муҳаррир сифатида ўз хиссасини қўшди.

Ғафур Ғулум қисқа, ўткир сюжетли ҳикоялар устаси сифатида ҳам таниқлидир. Ҳикоя услуби ўрнида у ёзувчининг савол-жавоблари билан тўлдирилган жонли дўстона баҳс-мунозара шаклида, муаллифлик нутқи ва китобхонга эркин юзланиш орқали фойдаланади.

Ғафур Ғулум томонидан 30-йилларда яратилган кўплаб насрий асарлар янги инсоний муносабатларга бағишланди. У асарларида ёритган асосий муаммо ва ечимлар инсоннинг ахлоқий тарбияси, унинг маънавий ва маданий ривож сари курашдир. Муаллиф ўзининг насрий асарларида ёрқин ижобий ҳикоялар қаҳрамон Жўра бегонанинг фарзандини тарбиялайди. Айнан оддий инсоннинг бегона болага бўлган муносабати орқали муаллиф Жўранинг юқори ахлоқий даражасини кўрсатиб берган.

Ғафур Ғулум кўплаб асарларини болаларга бағишлаган. “Шум бола” қиссасини билмаган китобхон

бўлмаса керак! Қаҳрамон ўзининг фожиали ҳаёти ҳақида ўзи сўзлайди. Бола уйдан керакли нарсаларни олиб чиқиб кетаётган вақтда онаси жазолаганлиги учун уйга қайтмайди. Ўз уйдан холасиникига қараб қочади. Аммо, бу ерда ҳам боланинг омади келмайди. У тасодифан поччасининг беданасини ўлдириб қўйиб, бу уйдан ҳам кетади. Шундай қилиб, унинг кейинги кунлари дарбадарликда ўтади. Ёзувчи асосий эътиборни шум боланинг хавотирлари, ички кечинмаларини тасвирлашга қаратади. Асарнинг кинофильми ҳам жуда таъсирли, эса қоларли чиққан. Нафақат ўзбек, балки дунё китобхонлари Ғафур Ғулумни “Шум бола”си орқали яхши танийди, маҳоратли ёзувчи сифатида хурмат қилади.

60 йиллик юбилеи муносабати билан академик шоир Ғафур Ғулумга Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилди. Шоирнинг кўпгина асарлари қардош халқлар, Осиё ва Европа тилларига таржима қилинган.

Отабек БОБОЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети Магистратура ва сиртки таълим факультети декани